

# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМИ

7 МАРТ 1971 Й  
ЯҚШАНБА  
№ 56 (1431)  
БАҲОСИ 2 ТИЯН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ОНАЛАР, ОПА-СИНГИЛЛАР!

## Эртага — Халқаро хотин-қизлар куни

### СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА

Азиз хотин-қиз ўртоқлар!

Улуғ Ватанимизнинг шонли қизлари!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети сизларни Халқаро хотин-қизлар куни — барча қитъалардаги хотин-қизларнинг бирлик ва интернационал бирдамлик куни билан самимий табриқлайди.

Бизнинг мамлакатимизда баҳорги порлоқ байрам 8 март чинакам умумхалқ байрамидир. Социалистик Ватан узининг ажойиб қизларини — оташин ватанпарварларини, толмас меҳнаткашларини, меҳрибон оналарини шарафлайди.

Совет хотин-қизлари давлатимиз ҳаётининг ҳамма босқичларида — тинч меҳнат даврида ҳам, оғир уруш йилларида ҳам коммунизм иши учун актив ва оғли курашчилар эканликларини кўрсатдилар.

Халқаро хотин-қизлар куни Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди муносабати билан совет халқининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати гойат устан вазиятда ишоланмоқда. Бепояён Ватанимизнинг ҳамма қисмида ана шу шонли воқеа шарафига оммивий социалистик мусобақа қилиб кетди. Шонли совет хотин-қизларини бу мусобақада кенг қатнашмоқдалар.

Биз ифтихор билан шунини қайд қиламизки, мамлакатимизнинг барча ютуқлари хотин-қизларнинг ишлаб чиқаришда, фан ва маданият соҳасида актив роль ўйнаётганлиги билан боғлиқдир. Хотин-қизлар халқ ҳўжалигида банд бўлган барча ишчилар ҳамда хизматчиларнинг янги ташкил этилдилар. Диплом олган олий ва ўрта махсус билимли мутахассисларнинг янги қўроғи хотин-қизлардир. Совет хотин-қизлари завод цехида ва қолхоз дачасида, илмий лабораторияда ва мактабда, меҳнат соҳасида ва магазинда — коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида ўз социалистик Ватанининг бахт-саодати учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Улар саккиз йиллик беш йиллик тошпирқларини бажаришга катта ҳисса қўшдилар.

Совет хотин-қизлари сиёсий ва иқтимоий ҳаётда, давлат ишларини бошқаришда актив қатнашмоқдалар. Утган сайловда СССР Олий Советига сайланган халқ вакиллари орасида 463 хотин-қиз бор. Нева ўз ичига актив хотин-қизлар маҳаллий Советларнинг депутатлари бўлиб, партия, касба союзи, ёшлар ташкилотлари ва кооператив ташкилотларида, кўнглини иттифоқ ва жамиятларда ишламоқдалар. Кўнгина аёллар давлатнинг муҳим лозимияларида ишламоқдалар, саноат корхоналарида, қолхоз ва совхозларга бошчилик қилмоқдалар, илмий муассасалар ва мактабларга раҳбарлик қилмоқдалар. Бу эса совет хотин-қизлари ҳуқуқи жиҳатдан тамомла тенг эканлигини, жамиятимизнинг бунёдкорлик фаолиятини катта роль ўйнаб, зўр активлик кўрсатганликларини яққол исбот этиди.

Биз бугун оналарга самимий миннатдорлик сўзлари билан мурожаат қиламиз. Улар ўз ўғил ва қизларини соф виждонли, меҳнатсез кишилар, социалистик юртимизнинг оташин ватанпарварлари қилиб тарбиялаш билан коммунизм қурувчилар кекса авлоди ўрнига муносиб ўринбосарларни тайёрламоқдалар. Партия ва ҳукумат оналарга доим зўр эътибор, меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлик билан қара-

лиши учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Кўп болани оналар давлат нафақаси олмақдалар, орден ва медаллар билан мукофотланмоқдалар, уларга фахрий унвонлар берилмоқда. Оналик ва болаликни муҳофаза қилуви муассасалар шохобчалари йил сайин кенгаймоқда. Ҳозирги вақтда 9 миллиондан ортиқ кичкинтой болалар боғчалари ва яслиларда тарбияланмоқда. Аёлларнинг уй-рўзғорда ҳар куни бажарадиган ишларини енгиллаштирувчи машиний хизмат яхши йўлга қўйилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган социал тадбирлар аёлларнинг бахтли оналиқни меҳнатда ва иқтимоий фаолиятда актив қатнашиш билан бирга қўшиб олиб боришлари, уларнинг маданий ва маънавий эҳтиёжларини тўлақон қондиришлари учун имконият яратиб бермоқда. Хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитини янада яхшилаш соҳасидаги кўп тадбирлар КПСС XXIV съездининг туғилиши беш йиллик план тўғрисидаги Директивалар лойиҳасида қўзда тутилган.

Пролетар интернационализм принципларига содиқ бўлган совет хотин-қизлари қардош социалистик мамлакатларнинг хотин-қизлари билан дўстликни мустаҳкамламоқдалар, капиталистик мамлакатлардаги ва ривожланиб бораётган ёш давлатлардаги меҳнаткаш хотин-қизлар билан алоқаларини кенгайтирмоқдалар, уларнинг социал ва миллий эъландар таъмилга халос бўлиш учун, тинчлик, демократия ва социализм учун олиб бораётган ҳаққоний курашини қўллаб-қувватламоқдалар. Мамлакатимизнинг хотин-қизлари уруш оловини ёқувчи империалистларга қарши курашчиларнинг биринчи сафларида бормоқдалар, Америка интервенциячиларига қарши қаҳрамонона кураш олиб бораётган Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқлари билан бирдам эканликларини изҳор қилмоқдалар, Исроилнинг Яшин Шарқдаги агрессияси тўхтатилсин, деб талаб этмоқдалар.

Азиз хотин-қизлар! Оналар, дўгоналар ва опа-сингиллар! КПСС Марказий Комитети сизларга снҳат-саломатлик, катта бахт, меҳнатда болаларни тарбиялашда янги муваффақиятлар тилайди ва шонли совет хотин-қизлари бутун халқ билан бир қурилишнинг барча соҳаларида янгидан-янги муваффақиятлар билан кўтиб оладилар, сўз қарорларини муваффақиятга амалга ошириш учун бутун куч-ғайратларини сарф қилдилар. Коммунистик партия теварағига янада маҳкам жипслашадилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Яшасин Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март! Коммунизмнинг актив қурувчилари совет хотин-қизларига шон ва шарафлар!  
Яшасин бутун жаҳон меҳнаткаш хотин-қизлари!  
Яшасин кудратли социалистик Ватанимиз!  
Яшасин коммунизм учун курашда совет халқининг сиёсий йўлбошчиси ва ташкилотчиси — Коммунистик партия!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.



И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

### ҚУТЛОВ ОҚШОМИ

Тошкентдаги трикотаж фирмасининг хотин-қизлари 8 март халқаро хотин-қизлар куни муносиб меҳнат совғалари билан кўтиб олмақдалар. Корхонанинг ишчи ва хизматчилари байрам арафасида «Баҳор» концерт залига тўпландилар. Тантанали маросимга корхона қошда ишлаб турган ҳуқуқ билимлари университетининг навбатдаги машғулот ҳам қўшилиб кетди. Унда юридик фанлари кандидати Р. Обиджонова «Совет хотин-қизлари — коммунизмнинг актив қурувчилари» деган темада лекция ўқиди.

Қутлов оқшомида меҳнат илгорларига маъмурият, партия ва касба союзи ташкилотининг раҳматномалари ва қimmatли совғалар топширилди. Фирма директори Г. Адаев барча хотин-қизларини муबारак байрам билан табриқлади.

Кеча охирида «Баҳор» ракс ансамбли ва «Бузуки» грек эстрада ансамбли санъаткорлари икросида концерт қўйиб берилди.

### Кино ходимлари делегацияси

Шу кунларда Ватанимизнинг пойтахти Москвада халқаро кино-фототехника кўргазмаси намойиш қилинмоқда. Бу кўргазмага жаҳондаги социалистик мамлакатларнинг кинотехника корхоналари ўз маҳсулотларини тақдим қилган. Кўргазмага қатнашиш учун Ўзбекистон кинолаштириш муассасаларининг ходимлари делегацияси ҳам тақдим қилинган. Кунин-кеча «Ўзбекфильм» киностудияси техника бўлимининг бошлиғи Эргаш Каримов, республика областлари кинолаштириш бошқармаларининг бош ижрачилари И. Оллоберганов, Л. Терехова, Д. Колейкин, Д. Петревар Москвага жўнаб кетдилар. Улар у ерда кўргазма экспонатларини билан танишадилар.

### ФАБРИКА ОШХОНАСИ

Тошкентдаги бадий буюмлар фабрика ёнида кўргазма бизнес қурилиб фойдаланишга топширилди. Кенг, ёруғ, ойнаванд ошхонада Октябрь район ошхоналар трестининг пазандалари хизмат қилмоқдалар.

### БАЙРАМ ТУҲФАСИ

Оржоникидзе районининг меҳнаткашлари ҳам хотин-қизлар байрами кунларида шаҳарликларга кўплаб ноз-неъматлар тортиқ қилиш ниятдадилар. Шу мақсадда райондаги Ленин номи қолхоз резаворчинлар кўлаб помидор, лимон ҳамда атир гул тайёрладилар.

Шу кунгача улар шаҳарликларга 12 минг дона лимон, 15 тонна помидор етказиб берган бўлсалар, эндиликда байрамга яна 10 тонна помидор, 6 минг дона лимон аржумон эдилар. Байрам арафаси кунларида эса шаҳар дўконларида 8 минг дона «Гвоздик», «Гладиолус», «Цикломи», «Калл» навлари гуллардан жўнатдилар.

### Комсомол қизлар ғайрати

Тошкент экспериментал металл-фурнитур заводининг хотин-қизлари ҳам 8 март байрамини юқори кўрсаткичлар билан кўтиб олмақдалар. Айниқса, заводнинг ёш комсомол қизлари бу байрам арафасида юқори кўрсаткичларга эришдилар. Шулардан Маша Пинхасова бошчилик бригада аъзолари чамадон қулфини тайёрлаш бўйича февраль ойи планини

муддатдан олдин адо этиди. Бу бригада аъзолари шу ой планини ҳам 22 мартагача бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Завод комсомол ташкилотининг секретари Рита Ульяновна шундай деди: — Заводимиз қизлари байрамимизни янги муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кўтиб олдилар. Жум-

ладан, штамповчи Таяна Панасенко, техник Таяна Колочова, Роза Куматова ва кўрсаткичли олий плани ортиги билан 130 процент қилиб адо эдилар. Корхона хотин-қизлари партия XXIV съездини ҳам муносиб кўтиб олишга астойдил ҳаракат қилмоқдалар. Улар 17 апрель кунини шанбаликда қатнашмакларини билдиридилар.

### Оналарга ғамхўрлик

Хотин-қизларнинг халқаро байрами — 8 март муносабати билан муҳибимиз Тошкент шаҳар социал таъминот бўлимининг муддир Мунзавар Орипова билан суҳбатлашди.

— Аввало, барча оналарини, сезимли опа-сингилларини, бахтиёр қизларини байрамлари билан самимий қутлайман. — деди Мунзавар опа. Советлар замонисиде хотин-қизларга кўрсатилган ғамхўрликнинг чеки йўқ. Биз социал-таъминот ходим-

лари республикамиз пойтахтида 25 мингдан ортиқ кўп болалар билан борлиги билан фахрланамиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида бу меҳрибон оналарга 3 миллион сўмга яқин давлат маблағи сарфланди. Бу рақамни республика миқёсида оладиган бўлсак, у 92 миллион сўмдан ошиб кетади. Утган йили 3600 дан ортиқ оналарга орден ва медаллар тақдим қилинди. Шулардан 700 га яқинининг кўксиде «Қаҳрамон она» нишони порлаб турибди. Бизнинг социалистик жамиятда кўп болали оналарга фа-

қат нафақа бериш билангина чекланиб қолмасдан, уларга барча зарур ердәмлар кўрсатилади. Утган йили 300 дан ортиқ хотин-қизларга турли саноатий ва дам олиш уйларида саломатликларини яхшилаш учун путёвкелар берилди. Улуғ Ватан уруши ва меҳнат инвалидларидан бир гуруҳи си энгил машиналар билан таъминланди. Анна Қосимова, Нодира Маҳмудова, Галина Саҳаҳ, Зоя Балхис ва бошқаларга «Москвич» ва «Запорожец» автоташиналари тақдим қилинди.

### КАНАЛНИНГ ИККИНЧИ НАВБАТИ

КПСС XXIV съезди Директивалари лойиҳасида Ўзбекистон ССР да пахтачиликни янада ривожлантириш, 1975 йилга бориб пахта таёрлашни 4,9 миллион тоннага етказишни таъминлаш кўрсати берилган.

Бу улғувор марранни эгаллашга «Энгироводхоз» лойиҳа институтининг инженер-техникалари ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар. Ҳозирги пайтда шу институт лойиҳаси асосида Аму — Бухоро каналининг қурилиши олиб бориламоқда.

Бу канал тўла ишга туширилгач, Бухоро пахтакорлари она-Ватанга қўшимча равишда 113 минг тонна «оқ олтин» дурдонасини сотадиган бўладилар. Каналнинг иккинчи навбатда зилот сувлар оқиши билан Зарафшонда 371 минг гектар майдонга сув чиқариш яхшиланади. Шунингден, Қашқадарё областида 20 минг гектар майдон сув билан таъминланади. Шу кунларда институт ходимлари қанал қурилиши, гидротехника иншоотлари ва насос станцияларини бунёд қилишга доир ҳужжатларни тайёрлашни ниҳоятга етказишмоқдалар.

### САОДАТЛИ АЁЛЛАР

Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари виставаси босишида шонли Коммунистик партияимизнинг XXIV съездида бағишлаб Киноров район хотин-қизлар савёти бўлиб ўтди.

Революциядан олдин «замона кўнрағидан бу кўнрақ доғ ўдди» деб йиллаб ўтган аёллар, Ҳозирга келиб халқ ҳўжалигимизнинг турли соҳаларида юксак ютуқларга эришган аёллар ҳақида район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Аҳмадалиева ҳақон билан гапирди.

Шундан кейин КПСС XXIV съезди делегати, кундалик план тошпирқларини 130—140 процент адо этаётган коммунистик меҳнат зарбдори, «Юлдуз» тикуччилик фирмаси илчиси Т. Абдураҳмонова, тамани фабрикасининг машинисткаси Ленин орденли О. Мирзааҳмедова ва бошқалар сўз олдилар.

Кўнгина аёллар район партия комитети ва ижроия комитетининг фахрий ёршиқлари билан мукофотландилар.



Коммунист Нуриниса Мирхонқова 21 йилдан бую «Уртоқ» кондитер фабрикасида меҳнат қилади. Шу кунларда бу зарбдор аёл КПСС XXIV съезди шарафига меҳнат вахтасида турли баракали меҳнат қилляпти. СУРАТДА: Нуриниса Мирхонқова ёш шоғирди Ирз Бокаевага иш ўргатмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

### КОЛХОЗЛАРГА САНЪАТ АСАРЛАРИ

Утган йилнинг декабрь ойида Ўзбекистон ССР маданият министрига республика киши-лоқларига маданий ердәм кўрсатиш бўйича республика комиссияси ташкил қилинган эди. Бу комиссиянинг раиси қилиб министрлик маданий оқратуви муассасалари бошқармаси бошлиғи А. Раҳматуллаев таъинланди. Комиссия 1971 йилда кишлоқ

меҳнаткашлари ўртасида маданият, фан ва санъат ютуқларини пропаганда қилиш бўйича кенгайтирилган ишларнинг планини тузиб чиқди. Бу ишда баддий виставка ва панорамалар дирекцияси коллективни яқиндан ердәм бермоқда. Дирекция бошлиғи К. Ткаченконинг хабар беришича, яқин вақтларда манзара, график, ҳайкалтарошликка доир санъат асарлари кўргазмаси Фарғона водий-

сидаги қолхоз ва совхозларга юборилади. Айни пайтда республика рессомлар союзи билан яқиндан ҳамкорликда «қолхоз кишлоқининг кишилари» деган кўчма виставка ҳам тайёрланамоқда. Кўргазма кишлоқларининг бугунги ҳаёти ва турмушини акс эттиради. Унга манзара ва натюрморт жанрдаги асарлар қамраб олинади. Тасвирий санъат асарларини қарши ва Шеробод даштини

азаматлар, пахтакорлар, чорвадорлар қурадилар. Шунингдек, кўчма кўргазма Сурхондарё областидаги генерал Собир Раҳимов номли қолхозда ҳам намойиш этилади. Бир неча кундан кейин Оржоникидзе районидеги Ленин номли қолхозда талантли рессом Зокир Инагомиевнинг асарлари кўргазмаси очилади.





(Турк ёзувчиси)



Менинг савҳатим охирида қолган эди: Кунлар худди туш сингари бирпасда ўтиб борарди...

рафхонада мендан илгари ишлаган киши чамаси фаяласуф сифат одами бўлган бўлса керак...

ятдаги касбдошларим, менга тинчлик бермай сурашарди: — Қалай, бугун яшшимсиз?

Мен ўтирайдиган кресло деразининг олдига бўлиб, у ерда ажойиб баҳорчи манзара кузга ташланар эди...

маҳлиё бўлиб турганимда, бирдан эшик ағийиб этиб чиқилди. Ким экан деб ўйиндим...

французчаи ўрганган экан. Унинг фикрича буткул ҳамма адебёт фақат у мактабдаги танда ўқигани Расин, Корнель, Гюгенолдан бери эди...

— Маймунингиз юзими тиниб қараб олди! — жавоб берди киз, оғриқнинг зуридан кузларини юмиб...

ди. Менинг унга бўлган газабим бир пасда сундию, юрак бағрим эзилди кетди. Шунда мен маймунга зуриб бўлса...

ОХИРИ. Бошим газетанинг № 35-сонидан.

Газетанинг навбатдаги сони 10 мартада чиқади. Редактор ўринбосари М. КАРИМОВ.

Одамлар, одатлар

АЁЛЛАР ҲУҚМРОН БЎЛГАН ВАҚТДА

Илгари Доғистондаги жуда кўп тоғли овулларда шундай одат бўлган: бир-бири билан душман икки уруғ ўртасида қонли ўч одининг тўхтатиш учун уруғлардан бири мансуб бўлган аёл душман уруғ фарзандини асраб олган.

олдинга чиқиб, бошидаги рўмонини урушга ташлаб олган. Агарда қасамд қилган кишининг вадалари ёлгон бўлиб иккаса, унда иккоҳ ҳам сохта ҳисобланарди.

лининг номига ёзиб қўйиларди. Ажралиш пайтида эркак ўйиндан ҳам бериб бўлган.

Мен ўтирайдиган кресло деразининг олдига бўлиб, у ерда ажойиб баҳорчи манзара кузга ташланар эди.

ЯХШИ МАСЛАҲАТ



Чет эллик бир киноартист ва режиссер савҳатчиларга шундай маслаҳат берган экан:

лишингиз, Америка Қўшма Штатларида сизни кам дағанда уч бола кузатиб бориши лозим.

Мен ўтирайдиган кресло деразининг олдига бўлиб, у ерда ажойиб баҳорчи манзара кузга ташланар эди.

ЯРОКСИЗ

ХАРБИЙ хизматга чақирилганларни текширувчи комиссия ўтган хонага кириб келиши билан, қандайдир офицер итдан ириллади:

Ж. ФИНЛАНДИЯ. (Италян ёзувчиси.) — Оқ. — Қора. — Яхши, кетавер. — Емоқ, берироқ кел. — Мутлақо ярамайсан!

Бордим. Менга савол берилса бошлади. — Уқини, ёзишни биласизми! — Шуюм савол бўди-ю!

Мен бу гапнинг тескариси қанақа бўлишини ўйлаб турган эдим, икко солдат югуриб келди-ю, қўлдан ушлаб юйинадиган хонага олиб чиқди.

РЕКЛАМА

ТЕАТР НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА...

КИНО 8 МАРТДА Қора киносуlining ҳаломати — НАВОИЙ НОМЛИ (Ўзбек тилида)...

МОСКВА КУРСАДАТИ 12.45 Қўрсатувлар программаси. 12.50 Рагилли телевидение «Нарусь»...

МОСКВА КУРСАДАТИ 18.15 Кишлоқ мехнатчилари — КИСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА...

ТЕЛЕВИЗОР 7 МАРТ ЯКШАНБА БИРИНЧИ ПРОГРАММА ТОШКЕНТ КУРСАДАТИ

Узбек тилида: 18.00 Болалар учун мультфильм. 18.20 «АХБОРОТ» инфорацион программаси...

ИКИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КУРСАДАТИ 18.15 Кишлоқ мехнатчилари — КИСС XXIV СЪЕЗДИ ШАРАФИГА...

УЧИНЧИ ПРОГРАММА ФУНУЗ КУРСАДАТИ Рус тилида: 17.00 Эҳсан — болаларга, 17.20 «Ҳар доим онам бўди»...

ТОШКЕНТ КУРСАДАТИ 16.25 Қўрсатувлар программаси. 16.30 «Совет Ғабибистони» ва «Прованс Восточни» газеталари сол...

МОСКВА КУРСАДАТИ 22.45 «Вайт» инфорацион программаси. 23.15 Рагилли телевидение «Кеча, бугун ва ҳамisha»...

ИКИНЧИ ПРОГРАММА МОСКВА КУРСАДАТИ 16.10 Фигурални учин брйча жаҳон чемпионати қатнашчилари ва голболларнинг кўрсатмални чиқаришлари...

УЧИНЧИ ПРОГРАММА 18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕВИДИЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТУВЛАРИ

Свердлов номли концерт залда

8 МАРТДА КОНЦЕРТ ҚАТНАШАДИЛАР: Узбекистон ССР халқ артистлари: ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ...

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

РСФСР ВА ДОҒИСТОН АССР ХАЛҚ АРТИСТИ Яраги Гажикурбанов РАҲБАРЛИГИДАГИ «ЦОВКРА» ДОҒИСТОН ДОРБОЗЛАРИ иштирокида

КИРГИЗИСТОН ЦИРК АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

7, 8 мартда кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да кўрсатилади. Шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 6 да; Яншанба кунлари: кундуз соат 12, 3 ва кеч 6 да бошла...